

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ

93

**Халқ бадий ҳунармандчилиги ва амалий санъати-
ни ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш тўғри-
сида**

Халқ бадий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш, халқ ижодиёти соҳасига аҳолининг кенг қатлами-ни, шу жумладан ёшларни жалб этиш учун қулай шарт-шароитларни таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқ бадий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2008 йил 1 апрелдаги ПФ-3983-сонли Фармонининг 1-бандида назарда тутилган, уй шароитида халқ бадий ҳунармандчилиги ва амалий санъати буюмларини ишлаб чиқариш бўйича якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан банд бўлган шахслар томонидан қатъий белгиланган солиқни тўлаш юзасидан солиқ имтиёзининг амал қилиш муддати «Ҳунарманд» уюшмаси аъзолари якка тартибдаги тадбиркорлар учун 2012 йилнинг 1 апрелигача узайтирилсин.

2. «Хунарманд» уюшмаси Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда мазкур Фармонда назарда тутилган солиқ имтиёзи татбиқ этиладиган «Хунарманд» уюшмаси аъзолари — бадий хунармандчилик ва амалий санъат буюмларини уй шароитида ишлаб чиқариш бўйича яқка тартибдаги меҳнат фаолияти билан банд бўлган шахслар рўйхатини аниқласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси юқорида кўрсатилган солиқ имтиёзининг тўғри қўлланилиши устидан қаттиқ назоратни таъминласин.

4. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2010 йил 30 март,
ПФ-4210-сон